

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

5 ЖИЛД, 3 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

ТОМ 5, НОМЕР 3

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

VOLUME 5, ISSUE 3



ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ | INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№3 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2022-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Абдор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ EDITORIAL BOARD РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Джумаев Маманазар Иргашевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Асилова Гулшан Асадовна
Педагогика фанлари доктори, доцент

Саипова Малоҳат Латиповна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ҳажиева Ирода Адамбаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Азимова Насиба Эргашовна
педагогика фанлари номзоди, доценти

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Rakhimov Matlab Farkhodovich PHYSICAL EDUCATION AND SPORT AS A SOCIAL PHENOMENON.....	4
2. Қодирова Мадинабону Тургуновна ОТМ АРАБ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.....	7
3. Asilova G.A. O‘ZBEK TILI TA‘LIMIDA FONETIK VA LEKSIK KO‘NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH (A1 daraja).....	17
4. Nazarova L. PSYCHOLINGUISTIC FACTORS IN FLIPPED CLASSES OF FOREIGN LANGUAGE LEARNING FOR ADULTS.....	23
5. Turg‘unboyev Sirojiddin Faxriddinovich OILAVIY BOLALAR UYI TARBIYALLANUVCHILARIDA KITOB O‘QISH MADANIYATINI SHAKLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI.....	28
6. Rejаметова Irada Ikramshikovna, Norbutayev Samandar Abdubakirovich YETIM VA OТА-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARDA IJTIMOIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH.....	33
7. Хажиева И.А. АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ, КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ.....	38
8. Гизатулина Ольга Ивановна МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ СМЕШАННОГО ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ В ВУЗАХ.....	43
9. Носиров Рашод Адилевич, Рахимова Машхура Иномжановна, Темирова Светлана Владимировна ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ ОНГНИНГ ЎЗГАРИШИ - ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТАХЛИЛИ.....	51
10. Зарипова Д. А. ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШДА ТАЛАБАЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ SMART УСУЛИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ АҲАМИЯТИ.....	58




Д.А.Зарипова

(PhD) доцент Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШДА ТАЛАБАЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ SMART УСУЛИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ АҲАМИЯТИ

For citation: D.A.Zaripova The importance of teaching methods based on the smart method of innovative activity of students in the informatization of education. Journal of innovations in pedagogy and psychology, Vol. 5, Issue 3, 2022, pp.60-66

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6482245>

АННОТАЦИЯ

Таълим тизимини ахборотлаштириш муаммосининг ҳозирги даврдаги ҳолатини кўриб чиқа туриб, ахборот технологияларини жорий қилишнинг кенг кўламли ва мажмуавий характерини таъкидлаб ўтиш керак. Ушбу мақола ахборотлаштириш шароитида талабаларнинг инновацион фаолиятини “SMART” усули асосида ўқитиш методикаси келтирилган бўлиб, талабалар таълим олиш жараёнида “SMART” усулидан фойдаланиб, кичик лойиҳалар ишлаб чиқишга қаратилган. Унда таълимни ахборотлаштиришда инновацион фаолиятда педагог ва таълим олувчиларнинг таққослаш бўйича сифатли ўзгаришлари ҳамда ахборотлаштириш шароитида анъанавий ва инновацион таълимни қиёсий тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: ахборотлаштириш, “SMART” усули, инновацион фаолият, инновация

Д.А.Зарипова

(PhD) доцент

ТАТУ им. Муҳаммада аль-Хорезми

ВАЖНОСТЬ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ SMART МЕТОДА ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ В ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

Рассматривая современное состояние проблемы информатизации системы образования, необходимо подчеркнуть широкомасштабный и комплексный характер внедрения информационных технологий. В данной статье представлена методика обучения инновационной деятельности студентов на основе "SMART" метода в условиях информатизации и направлена на разработку небольших проектов с использованием "SMART" метода в процессе обучения студентов. Она включает в себя качественные изменения в сравнении педагогов и педагогов в инновационной деятельности в области информатизации образования, а также сравнительное описание традиционного и инновационного образования в условиях информатизации.

Ключевые слова: информатизация, "SMART" метод, инновационная деятельность, инновации.

D.A.Zaripova
(PhD) associate Professor
TUIT them. Muhammad al-Khorezmi

THE IMPORTANCE OF TEACHING METHODS BASED ON THE SMART METHOD OF INNOVATIVE ACTIVITY OF STUDENTS IN THE INFORMATIZATION OF EDUCATION

ANNOTATION

Considering the current state of the problem of informatization of the education system, it is necessary to emphasize the large-scale and complex nature of the introduction of information technologies. This article presents a methodology for teaching innovative activity of students based on the "smart" method in the conditions of informatization and is aimed at developing small projects using the "SMART" method in the process of teaching students. It includes qualitative changes in the comparison of teachers and educators in innovative activities in the field of informatization of education, as well as a comparative description of traditional and innovative education in the conditions of informatization.

Keywords: informatization, "SMART" method, innovation activity, innovation

Дунёда таълимни ахборотлаштириш жараёнида касб таълими педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш педагогика фанида олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-услугий фаолият мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантиради. Шунингдек, инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ҳузурида илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Юқорида қайд этилган ҳолатлар Олий таълим тизимини ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини касбий-педагогик компетентликнинг янги мезони сифатида қараб, талабаларининг инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш орқали бундай тайёргарликни такомиллаштирилган методик тизимини ишлаб чиқиш муаммоси долзарблилигини кўрсатади.

Инновацион ишлаб чиқариш соҳасининг мутахассисларини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш асосини инновацион ишлаб чиқариш ва жамият қонуниятлари таъсир этадиган соҳага оид, психологик-педагогик ва ишлаб чиқариш-технологияларига мувофиқ тайёрлаш ташкил этади. Педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизмлари, воситалари, технологияларини ишлаб чиқиш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида бу инновацион фаолият соҳасида мутахассисларни касбий-педагогик тайёрлаш моҳиятини илмий жиҳатдан англаш зарурлигини билдиради.

R. Berk, W.O. Devlin, Y.Masuda, J. Paul, T. Doran [1] ва бошқа хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқотларида таълимда ахборотлаштириш муҳити, педагогларнинг касбий инновацион фаолиятини ривожлантириш, инновацион педагогик ва технологик компетентликни ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Россия фундаментал тадқиқотлар фонди ва Россия таълим академиясининг педагогик инновациялар Институту томонидан инновация тушунчасига бирмунча ноанъанавий таъриф

берилган: инновацион таълим ривожланишининг элементи таълим муҳитида турли ташаббуслар ва янгиликларни тўплаш, олинган натижа асосида таълим соҳасида кўпроқ ёки камроқ глобал ўзгаришларга олиб келади.

Инновациялар – бу ташаббуслар ва янгиликларнинг турли – туманлиги асосида пайдо бўлувчи долзарб муҳим ва тизимли ўз-ўзини ташкил қилувчи янги таълимдир, у таълим эволюцияси учун асос бўлади ва унинг ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатади ҳамда таълимнинг янада кенгроқ маданий муҳитининг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Инновация муайян даврларда турли босқичлардан ўтади. Бу эса инновацияларнинг ҳаёт айланиш даври деб номланади. Инновациялар бир марта пайдо бўлади, ишлатилади ва бир мунча вақт ўтгач, бошқа илғор ижод маҳсули билан алмаштирилади.

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар кўп жиҳатдан жамият томонидан таълим тизимига қўйиладиган талабларга ва таълимни амалга ошириш шарт-шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади, бундай шароитлардаги жадал ўзгаришлар таълимни ривожлантириш мақсадлари ва стратегиясини ахборот-коммуникация технологиялари асосида модернизациялаш эҳтиёжини кучайтирди. Замонавий ахборот таълим технологиялар, электрон дастурларини кенг жорий этилиши, электрон таълим ресурсларини яратилиши, инновацион фаолиятга асосланган ўқитиш методикасини ўқув - услубий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Таълим тизимини ахборотлаштириш муаммосининг ҳозирги даврдаги ҳолатини кўриб чиқа туриб, ахборот технологияларини жорий қилишнинг кенг кўламли ва мажмуавий характерини таъкидлаб ўтиш зарур бўлиб, бу иккита стратегик мақсадларга – таълим фаолиятининг барча турлари самарадорлигига ва ахборотлашган жамият талабларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлаш сифатининг оширилишига эришиш имконини беради [2].

Шундай қилиб, ахборотлашган жамият ва таълимни ахборотлаштиришнинг ривожланишидаги замонавий йўналишларни таҳлил қилиб чиқиш шуни кўзда тутадикки, SMART-таълим (SMART-education) – “бу эркин фойдаланиш мумкин бўлган, бутун дунёдаги контентлар ёрдамида интерфаол ўқитиш муҳитида мослашувчан таълим олишдир”. SMART-таълим технологияси таълим олувчиларга янги билимларни генерациялашга ва SMART-одамни шакллантиришга имкон бериб, бундай одам ахборотларни излаб топиш, таҳлил қилиш ва инновацияларни яратиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан мукамал фойдалана оладиган бўлади [3].

SMART-таълимга бағишланган илмий-методик адабиётларда унинг қуйидаги асосий тавсифлари ажратиб кўрсатилади [4]:

- электрон ўқитиш таълим технологиялари мажмуаси сифатида принципиал жиҳатдан янги контент ва уни тасарруф этишнинг интерфаол таъминоти билан тўлдирилади;

- таълим контентининг сезиларли қисми Интернет тармоғидаги веб-ресурсларда жойлаштирилади;

- билимларни синхронлаштирилган тарзда етказиб беришнинг шарт-шароитлари яратилади – сайтда жойлаштирилдиган долзарб ахборот ўқув материалларига тезда киритилади;

- педагогик интернет-ҳамжамиятлари ривожланиб, уларда таълим тизими мутахассислари ҳар бир конкрет ўқув фани учун ўқитиш мазмуни ва методикасини тушунишдаги ҳар хилликни таъминлаш учун интерфаол контентлар билан алмашувларни амалга оширишлари мумкин бўлади;

- таълим муассасалари ва ўқитувчилар умумий стандартлар, келишувлар ва технологиялар асосида Интернет тармоғи орқали ҳамкорликдаги таълим фаолиятини амалга ошириш учун ўқув материалларининг умумий репозитори ёрдамида жамоавий таълим жараёнини амалга оширадilar;

- таълим олувчилар таълим контентини ишлаб чиқишда иштирок этишлари мумкин бўлиб, бу уларга компетентли модель билан мос ҳолда билим, маҳорат, фаолият усулларини эгаллашларига имкон беради.

Таълимнинг ахборотлашуви шароитларида бу тизимда рўй бераётган глобал ўзгаришларнинг назарий таҳлил қуйидаги қарама-қаршиликларни ажратиб кўрсатди:

- ахборотлашган жамиятнинг ўзгариб бораётган мақсадли йўриқлари билан уларнинг таълим муҳитида мос ҳолда акс этиши орасидаги қарама-қаршилик;

- педагогларга қўйилаётган талабларнинг ўзгариб бориши билан улар томонидан таълим жараёнидаги ўз вазибаларининг англаниши, ўзларида замонавий ахборотлашган жамият талаб қилаётган сифатларни шакллантиришга интилиш орасидаги қарама-қаршиликлар.

SMART-таълим тушунчасида акс этувчи таълимнинг ахборотлашувидаги янги юқори технологиялар йўналишлари битирувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлиги малакасига юқори талабларни қўяди.

Инновацион фаолият жаҳон ҳамжамиятини инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан таълимга сезиларли даражада таъсир этган ҳолда, ривожланишнинг янги ҳамда юқори босқичларга олиб келди.

XX асрнинг ўрталарида замонавий жамият ахборот жамияти сифатида тавсифланди. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборот жараёнларнинг ўрни ўсишини билдиради, ахборотни ишлаб чиқиш, ишлов бериш, сақлаш ва ундан фойдаланиш учун ахборотга ва ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж ошиб боради.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида анъанавий ва инновацион таълимни қиёсий тавсифи

Анъанавий таълим тизими	Таълимни ахборотлаштириш шароитида инновацион таълим тизими
Ўқитувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти
Инновацион фаолият мазмуни	
Фундаментал манба билимларни беради	Ўқув билиш фаолиятини бошқаради (бошқарувчи, режиссёр, йўналтирувчи)
Педагогик вазифаси	
Ўқитиш, билим бериш	Бошқариш, ташкиллаштириш, мустақил ишлаш фаолиятини такомиллаштириш
Ўқитиш мақсади	
Билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш	Компетенция, компетентлик ва креативлиқни ривожланиши
Ўқитиш шакли	
Фронтал, маъруза, семинар машғулоти, амалий машғулот ва лаборатория машғулоти	Индивидуал, масофавий, гуруҳларга бўлиб ишлаш,
Ўқитиш методи	
Ҳикоя, тушунтириш, йўл-йўриқ бериш, кўрсатиш, оғзаки, савол-жавоб, матнли, кўргазмали ва ҳ.к.	Интерфаол, видеомашғула, мультимедияли лойиҳа, MOODLE тизимида ишлаш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, замонавий электрон АКТ воситаларидан фойдаланиб, турли ахборот тизимлари ва интеллектуал ўқитиш методлари
Ўқув воситалари	
Дарслик, ўқув қўлланма, тарқатма материал, асбоб –ускуналар, кодоскоп,	Компьютер, мультимедия проектор, педагогик дастурий воситалар. электрон

макет, схема ва ҳ.к.	доска, планшет, электрон дарслик, интернет, булутли технологиялар, Moodle, SMART хона, Virtual лаборатория, электрон кутубхона, аудивизуал технокаси.
Мустақил таълим	
Педагог бошқаради, талаба пассив ҳолатда ишлайди.	Электрон шаклда баҳоланиш жорий этилганлиги, кафолатланган натижага эришиш, режалаштириш ва лойиҳалаштиришни ташкиллаштириш, ҳамкорликда ишлаш.
Баҳолаш	
Ёзма, оғзаки, тест, суҳбат орқали билим ва кўникмалар баҳоланади.	Электрон тест, электрон portfolio, ассисмент, ўқув лойиҳа маҳсулотининг сифати, фактографик критериялар.
Кутилаётган натижалар	
Аниқ билим ва кўникма, компетенция ҳамда ижодкорлиги инobatга олинмайди.	Касбий компетенцияларни шакллантириш, умумий компетенцияларни ривожлантириш ва ижодкорлик.

Жадвалдан келиб чиқиб, таълимни ахборотлаштириш шароитида инновацион фаолият педагог ва таълим олувчиларнинг таққослаш бўйича сифатли ўзгаришларнинг шarti бўлиб ҳисобланади, хусусан:

Ўқитувчида:

- 1) ўз имкониятларини намоён қилиш, ўзининг ижодий потенциалини ривожлантириш ва касбий салоҳиятини ошириш;
- 2) машғулотларни инновацияларни ҳисобга олган ҳолда SMART машғулотларни ўтказиш лойиҳаларини тузиш;
- 3) таълим олувчиларнинг инновация орқали ўқув мотивациясини ва ўқитилаётган фанларга қизиқишни ошириш;
- 4) Электрон таълим ресурсларини яратиш, таълим олувчилар томонидан билимлар яхши ўзлаштирилиши ва ўқув жараёнини ижодийлаштиришга, ва имкон қадар уни машаққатли ва зерикарли фазаларини қисқартириш имконияти юзага келади;

Таълим олувчилар:

- 1) таълим тизимининг объект позициясидан субъект позициясига ўтади;
 - 2) таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг хусусияти ва натижаси ўзгаради, чунки унда нафақат билим ва малакалар ривожланади, балки кўникмалар ва компетенциялар шаклланади;
 - 3) таълим олувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ривожланади: амалларни мотивациялаш малакасини ривожлантириш, ўзлаштирилган ахборотни мустақил қўллай олиш, ижодий шаблонсиз тафаккурни шакллантириш, уларни табиий имкониятларни максимал тарзда очиб бериш ҳисобига ривожланиш;
 - 4) иқтидорли ва фанларни тўлиқ ўзлаштира олмаган таълим олувчилар умумий ривожланишида имкон қадар энг юқори натижаларга эришишларида кўмаклашади;
- Шундай қилиб, ахборотлаштириш шароитида педагогнинг инновацион фаолиятига асосланган инновацион жараён таълим жараёнини ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган. Янги инновацион технологияларни ўзлаштирган ва уларни кундалик педагогик фаолиятига фаол жорий этган педагогларга таълим муассасаларида ҳар доим эҳтиёж катта бўлганлигини ва таълим олувчиларни ўқитишда олий таълим тизимида катта аҳамиятга эга бўлишини алоҳида белгилаб ўтиш керак.

Замонавий SMART таълимнинг ўз олдига қўйган иккита асосий мақсади мавжуд бўлиб, улар:

- 1) талабаларда билим олиш учун зарур бўлган барқарор мотивацияни яратиш;

2) ижодий ечимлар ёрдамида билим олишнинг янги шакл ва воситаларини излаб топишдан иборат.

Қисқача айтганда, SMART таълим — бу таълим муассасалари ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий стандартлар, келишувлар ва технологиялар асосида ягона интернет тармоғи орқали таълимни амалга оширувчи бирлашмасидир. У:

- касб таълими ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёрлашда таълимда умумкасбий ва ихтисослик фанларидан олинган билимларнинг чуқур интеграциясини вужудга келтириш;
- нафақат педагогика соҳасида балки ахборот-коммуникация технологияларига оид бошқа ихтисосликлар бўйича инновацион фаолиятга тайёр бўлган педагог-муҳандис-дастурчиларни тайёрлаш;
- инновацион фаолиятга тайёрлаш орқали касбий таълим муаммолари бўйича янги гоялар ярата оладиган, креатив фикрловчи, илмий изланишлар олиб боришга лаёқатли илмий-педагогик кадрларни етиштиришга ёрдам беради.

Машғулот шакли	Маъруза-суҳбат
Вақт	2 с.
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инновацион фаолият ҳақида тушунча. 2. Касб таълими тушунчаси ва мазмуни. 3. Касб таълими ўқитувчисининг инновацион фаолияти. 4. Ўзбекистонда профессионал таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар.
Машғулот мақсади	Инновация, инновацион фаолият, таълимда инновацион жараёнлар, педагогик инноватика, касб таълими, касб таълимининг асосий вазифалари, касб таълими дастурлари, касбий таълим ўқитувчисининг инновацион фаолияти, ўқитувчи инновацион фаолиятининг касбий ўқитишга таъсири тўғрисида тўлиқ маълумот бериш.
Ўқитувчи роли: суҳбат шаклида режа бўйича умумий маълумот бериш	<p>Таълим натижаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тасаввурга эга бўлади: инновация, инновацион фаолият, педагогик инноватика, касб таълими, касб таълимининг асосий вазифалари, касб таълими ўқитувчисининг инновацион фаолияти; - Билиб олади: инновацион фаолият ва унинг мақсади, касб таълимининг асосий вазифалари, ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятлари муҳимлиги, касб таълимида ўқитувчининг инновацион фаолияти; - Компетенцияга эга бўлади: инновацион фаолиятни тўлиқлигича ифодалаб бера олади, касб таълими ва унинг шакллари касб таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини шакллантиришдан мақсадни ифодалаб бера олади.
Таълим методлари	Суҳбат, очиқ саволлар
Педагогик технологиялар	Венн диаграммаси, SMART усул
Таълим воситаси	Тақдимот
Аудитория	Мультимедияли компьютер билан жиҳозланган компьютер хонаси

1. Ҳозирги замоннинг етакчи йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштиришдир. Бу муҳитда инновациялар таълимни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишини белгилайди, шунингдек ахборотлашган жамиятда илмий-техника жадал ривожланиши ва бунинг ҳаётимиздаги акс этаётганлиги билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради.

2. Илмий-педагогик адабиётлар ва тадқиқот муаммоси доирасида олиб борилган илмий ишлар таҳлилига кўра: таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш орқали таълим сифатини ошириш, мавжуд таълим мазмунини (ўқув режа, дастурлар) инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратиш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар ҳисобланади.

3. Таълимни ахборотлаштириш шароитида ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ этишнинг замонавий босқичида нафақат анъанавий таълим технологиялари, балки электрон таълим (e-learning) ҳам қаноатлантира олмайдиган эҳтиёжлар юзага келмоқда. Ана шундай эҳтиёжларни қондиришда таълим тизимига SMART education (ақлли таълим) технологияларини жорий қилиш давр талабига айланди.

4. Олий таълим муассасаларининг мавжуд ўқув меъёрий ҳужжатлари ва фанлар мазмунини ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида аниқланган камчиликларнинг мавжудлиги касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли фармони // www.lex.uz.
2. Paul J. Meyer Management Review by George T. Doran. There’s a S. M.A.R.T. way to write management’s goals and objectives // Management Review.- 1981.- Vol. 70. Is.II (AMAFORUM) - P. 35-36.
3. Лапчик М. П. Россия на пути к smart - образованию // Ж. Информатика и образование. – М. 2013. - № 2. – С. 3-9.
4. Тихомиров В. П. Электронное обучение в информационном обществе. Новая парадигма в образования. Новые возможности для модернизации России // Информационное сообщество: материалы VIII Тверского социал- экон. Форума (30 июня-1 июля 2011 г.) - Режим доступа: <http://www.gosbook.ru/-node/27900>.
5. Information and communication technologies in education: UNESCO Institute for information technologies in education. - 2013.
6. Тихомиров В. П. Мир на пути к Smart-Education: новые возможности для развития. - Режим доступа: <http://slideshare.net/PROe-learning/smart-education>.
7. Тихомиров В. П. Предпосылки формирования Smart- общества / В. П. Тихомиров, Н. В. Днепровская, И. А. Корецкая // Smart Education: проект по развитию Smart в образовании. – Режим доступа: <http://smartmesi.blogspot.ru/2012.02/smart.html>.
8. Алимов А.А. Узлуксиз таълим тизими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини шакллантириш усуллари // Халқ таълими. -Тошкент, 2015. – №6, 74-78 б.
9. Ангеловски К.М. Учителя и инновации. - М.:Просвещение, 1991.-159 с.
10. Андреев А. А. Некоторые проблемы педагогики в современных информационно-образовательных средах // Инновации в образовании.- 2004.-№ 6. С98-113.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

5 ЖИЛД, 3 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
ТОМ 5, НОМЕР 3

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY
VOLUME 5, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000